

# МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА КЛАСТЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Назарова Мунаввар Соатмурод қизи  
Тошкент иқтисодиёт ва технологиялар университети  
иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация.** Бугунги кунда кластерларнинг ривожланиши барқарор инновацион ривожланишга ва минтақадаги қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлигини ва умуман агросаноат мажмуасини ривожлантиришга ёрдам берадиган муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Ушбу мақолада мева-сабзавотчилик тармоғини барқарор ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибасидан ўрганган ҳолда агрокластерлар тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар.** озиқ-овқат, сув танқислиги, сув таъминоти, мевали дарахтлар, узумзорлар, аграр соҳа, барқарор, ривожланиш, хорижий тажрибалар

**Аннотация.** Сегодня развитие кластеров является одним из важных инструментов, способствующих устойчивому инновационному развитию и конкурентоспособности сельского хозяйства региона и развитию агропромышленного комплекса в целом. В данной статье разработаны предложения и рекомендации, направленные на дальнейшее развитие и совершенствование системы агрокластеров с учетом опыта зарубежных стран по устойчивому развитию плодоовощной отрасли.

**Ключевые слова.** питание, дефицит воды, водоснабжение, фруктовые деревья, виноградники, аграрный сектор, устойчивое развитие, зарубежный опыт

**Annotation.** Today, the development of clusters is one of the important tools that promotes sustainable innovative development and competitiveness of the region's agriculture and the development of the agro-industrial complex as a whole. This article develops proposals and recommendations aimed at further development and improvement of the agricultural cluster system, taking into account the experience of foreign countries in the sustainable development of the fruit and vegetable industry.

**Keywords.** nutrition, water shortage, water supply, fruit trees, vineyards, agricultural sector, sustainable development, foreign experience

Дунёда аҳоли сони шиддат билан ўсаётганлиги ва шунга яраша уларнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари

тобора ортиб бораётган бир пайтда, уларни таъминлайдиган асосий тармоқ, яъни қишлоқ хўжалигида аграр ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, озиқ-овқат билан таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тадбирларнинг самарали тизимини яратишни тақозо этади. Шу боис озиқ-овқат маҳсулотлари бозорига маҳсулот етказиб берувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари олдида ҳам маъсулиятли вазифалар турмоқда.

Мамлақатимиз Президенти Ш.Мирзиёев 2019 йил 5 ноябрдаги мева-сабзавот тармоғини янада ривожлантириш ва экспортини ошириш, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишни таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида “Ўзбекистонда бир нечта йирик экспортёр кластер ташкил этиш, қишлоқ хўжалигида қўшимча қиймат занжирини яратиш ва даромадни ошириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни аниқ бозор, аниқ молиявий манба билан ишлайдиган тадбиркорга бириктириш лозимлиги”ни<sup>1</sup> таъкидлаб ўтганлар.

Албатта бу борада, ўз ечимини кутаётган масалалар борки, бунда боғдорчилик соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизминини амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқдир:

- юқори ҳосил берадиган, касаллик ва заркунандаларга чидамли, табиат инжиқликларига бардой бера оладиган ва бозордаги талаб ўзгаришларига тезда жавоб берадиган мевали дарахтлар навларини кўпайтириш ва ҳудудларнинг жойлашган ўрни ва табиий иқлим шароитини инобатга олган ҳолда жойлаштириш масаласини ҳал этишни;

- маълумки, сув етишмаслиги ҳисобига мавжуд боғлар нобуд бўлиш ҳолатлари кузатилмоқда. Чунки, аксарият вилоятларда мевали дарахтларга сув етказиш тизими насослар орқали амалга оширилмоқда. Шу боисдан нафақат сув танқислиги, насослардан фойдаланиш, ёқилғи мойлаш материаллари сотиб олиш ҳамда электр энергияси сарф-харажатлари юқорилиги эса сув таъминотига ўзига хос тўсиқларни вужулга келтирмоқда.

<sup>1</sup> Халқ сўзи газетаси. 2019 йил 6 ноябрь, №229 сон.

Шу нуқтаи назардан сув таъминоти тизимини моддий-техник қуроллантириш учун инвестиция (давлатнинг мақсадли имтиёзли кредитлари, турли грантлар, хусусий тармоқ маблағлари ва бошқа молиявий манбалар ҳисобидан) жалб қилишни рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши зарур;

- мевали боғларни илмий асосланган агротехник қоидалар доирасида, ҳудудларнинг тупроқ таркиби, мевали дарахтлар тури ва навлари, ҳосилдорлиги каби кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда тупроқ унумдорлигини оширишда маҳаллий ва минерал ўғитлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

- мевали дарахтлар ва узумзорлар таркибини ҳудудий бозорлар ва мавжуд имкониятларини ҳисобга олган ҳолда экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш масаласини ҳисобга олган ҳолда мевали боғлар таркибини оптималлаштириш;

- боғдорчилик тармоғини механизациялаштириш даражасини ошириш мақсадида тармоқни боғдорчилик ва узумчилик техникалари билан таъминлаш, мавжуд техника воситаларини таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш масаласини ҳал этиш;

- сув танқислигини ҳисобга олган ҳолда суғориш техника ва технологияларни такомиллаштириш, жумладан тоғли ва тоғолди ҳудудларда микро ва томчилатиб суғориш усулларини кенг қўллаш тизимини йўлган қўйиш.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат муаммоларининг мавжудлиги ва қишлоқ хўжалигидаги ички ва ташқи тенденциялар ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожланиш стратегик аҳамиятининг ортиши, ушбу тармоқда тўпланган ижобий тажрибаларни жаҳон хўжалигида эришилган сўнгги илмий-техник тараққиёт ютуқларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалигини молиявий таъминотини барқарорлаштириш шароитида тармоқда агрокластерларни янада ривожлантириш зарур ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги агрокластери қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, озиқ-овқат саноати корхоналари, уларга хизмат кўрсатадиган инфратузилма ташкилотлари, озиқ-овқат ва бошқа бозорларда қулай иш муҳитида фаолият юритадиган, ҳудуднинг рақобатбардошлигини ва барқарорлигини оширишга ёрдам берадиган ўзаро муносабатларни амалга оширувчи уюшма ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида аграр соҳанинг барқарорлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлган тармоқлараро ва ҳудудий интеграциялашган тузилмалардан бири агрокластер ҳисобланади, мамлакатимизда бу тармоқни янада ривожлантириш ва шакллантириш учун барча имкониятлар мавжуддир. Бугунги кунда кластерларнинг ривожланиши барқарор инновацион ривожланишга ва минтақадаги қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлигини ва умуман агросаноат мажмуасини ривожлантиришга ёрдам берадиган муҳим воситалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда мева-сабзавотчиликни жадал ва инновацион ривожлантириш учун мева-сабзавот кластерларини иккита йўналишда шакллантириш жорий этилмоқда:

*биринчи йўналиш* - мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан то сотишгача бўлган белгиланган жараённи мустақил равишда амалга оширувчи ягона ёки ўзаро боғлиқ корхоналар гуруҳи доирасида мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш кластери;

*иккинчи йўналиш* - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалиги юмушларини ташкил қилиш учун экиш материали, аванс тўловларини тақдим этувчи ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотни келишилган нархларда сотиб олувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, тайёрловчи корхоналар, қайта ишловчилар, экспорт қилувчилар ўртасида кафолатланган шартномалар асосида “уруғ –кўчат – маҳсулот етиштириш –тайёрлаш –сақлаш – қайта ишлаш –транспортировка қилиш –бозорга етказиш” тамойили бўйича узлуксиз занжирни

шакллантирадиган мева-сабзаёт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш кластери.

Кластер қуйидаги вазифаларни ўзида мужассамлаштириши лозим:

–мева-сабзаёт маҳсулотлари етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишга чуқур ихтисослашиш;

–мева-сабзаёт маҳсулотларини етиштириш, қабул қилиш, тозалаш, саралаш, қуритиш ҳамда қайта ишлашда янги инновацион технологияларни жорий этиш;

–ер майдонларидан фойдаланиш: ажратилган ер майдонларидан самарали ва унумли фойдаланиш, майдонларга сифатли, жаҳон андозаларига мос экспортбоп мева, узум ва сабзаёт экинларни жойлаштириш, самарасиз ва истиқболсиз қишлоқ хўжалик экинлари ўрнига босқичма-босқич мева, узум ва сабзаёт экинлари жойлаштириш;

–мева-сабзаёт етиштириш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, улардан минтақа ва ҳудудий шароитларда кенг фойдаланиш, мева-сабзаётчилик соҳасига хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

–экспортга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилигини кластер ҳудудларида ўзлаштириш, ривожлантириш, илмий тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш; -серҳосил мева, узум ва сабзаёт экинларини экиш, маҳсулот етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнини тўлиқ қамраб олувчи тизимни шакллантириш, шунингдек замонавийинновацион, ресурс тежамкор технологияларни мева-сабзаёт маҳсулотларини етиштириш жараёнларига жорий қилиш;

–малакали янги иш ўринларини ташкил этиш.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қилиш механизмларидан бири бу халқаро тажрибаларга таянган ҳолда кластерлар тизимини ривожлантириш ҳисобланади. Кластер тизимининг афзаллиги шундаки, мазкур жараёнда барча меҳнаткашларнинг манфаатлари

уйғунлашади, яъни хом ашё етиштиришдан тортиб, уни қайта ишловчи корхоналаридаги барча ишчи-ходимларнинг маҳсулот сифатига бирдек жавобгар бўладилар. Чунки якуний жараён натижасига кўра, товарни сотишдан тушган қўшимча қийматнинг бир қисми шу ишга ҳисса қўшган меҳнаткашларга тақсимланади.

Мамлакатда агрокластер фаолиятини янада такомиллаштириш учун қуйидаги вазифалар бажарилиши лозим:

- агрокластер шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва ўрганиш;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг кластерли шаклига ўтишнинг иқтисодий асослари ва шартларини ўрганиш;

- ҳудудларни жойлашган ўрнини эътиборга олган ҳолда минтақавий агрокластерлар барқарор ривожланишининг белгиланган шартларидан самарали фойдаланиб, унинг илмий асосланган принципларини ишлаб чиқиш;

- минтақада қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришни таъминлашда агросаноат мажмуасининг тузилишини ва унинг индивидуал элементларининг ролини асослаш;

- аграр иқтисодиётни бошқаришнинг турли даражаларда қишлоқ хўжалиги фаолиятини ташкил этишнинг кластер шакллариининг афзалликларини ўрганиш;

- ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг кластер шаклининг ривожланиш муаммолари ва истиқболларини ўрганишдан иборатдир.

Хулоса қиладиган бўлсак, мева-сабзавот кластери фаолиятини такомиллаштиришда қуйидаги асосий вазифалар ҳал қилиниши лозим:

- экинлар ҳосилдорлигини ошириш мақсадида селекция ва уруғчилик соҳасида янги технологияларни, “ноу-хау”ларни жорий этиш, инновацион ишланмалар яратиш ва кенг қўллаш;

- маҳсулот етиштириш, тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлашнинг замонавий, интенсив ва ресурстежамкор технологияларни кенг жорий этиш орқали самарали фаолият юритиш;

- чуқур маркетинг тадқиқотлари олиб бориш асосида ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, маҳсулот етиштиришнинг мақбул ҳажмларини белгилаш;

- маҳсулотлар етиштириш, тайёрлаш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда уларни ички ва ташқи бозорларда сотиш мақсадида чакана ва улгуржи савдо тизимини йўлга қўйиш, шу жумладан хорижий давлатларда савдо уйлари ва республика ҳудудларида фирма дўконларини очиш;

- илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва маҳаллий шароитларда улардан кенг фойдаланиш, кластер тизимини кенг жорий этишда хорижий эксперт ва мутахассисларни жалб қилиш;

- ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш, товар-хон ашёларни импорт-экспорт операцияларини амалга ошириш, инвестициялар, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

- кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

- аҳолини иш билан таъминлаш.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мамлақтимиз Президенти Ш.Мирзиёев 2019 йил 5 ноябрдаги мева-сабзавот тармоғини янада ривожлантириш ва экспортини ошириш, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишни таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси.
2. ЗС Шохужаева. Зарубежный опыт в сельском хозяйстве по использованию водных ресурсов. Economics 1 (44), 2020. Стр. 19-22.
3. NS Xushmatov, ZS Shoxo'Jaeva. SUV RESURSLARINING AGRAR TARMOQNI BARQAROR RIVOJLANTIRISH BILAN O'ZARO BOG'LIQLIGINI BAHOLASH. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences jurnal №3, 2022. Page 1121-1129.

4. Shoxojaeva Zebo Safoevna, Mamanazarova Nasiba Juraevna. Economic efficiency of modernization and development of water facilities in agriculture. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal* №8, 2020. Page 195-201.
5. ZS Shokhujueva, AS Eshev, N O' Murodova, FS Temirova. Changes, problems and solutions in the water system in the connections of innovative economy. *AIP Conference Proceedings*. 2023/3/15.
6. ZS Shokhujueva, HN Mirjamilova. Innovative processes in the water sector and factors influencing their development. *Asian Journal of Research in Business Economics and Management*, №5, 2022. Стр.18-27.